

ОЛИЙ ТЕХНИК ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ВЕРТИКАЛ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жарқинов Даврон Умаралиевич

Андижон давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6636343>

Аннотация. Мақолада олий техник таълим талабаларининг ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омилларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш, вертикал педагогика асосида олий техник таълим муассасаалри талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмалари таркибий компонентлари бўлган интилувчанлик, изланувчанлик ва яратувчанлик қобиляти, янгиликка мойиллик, мантиқий, аналитик ва синтетик фикрлаш қобиляти ва юксак касбий интеллектни ривожлантиришининг назарий асослари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: техника, олий таълим, талаба, техник таълим, интеграция, вертикал интеграция, лойиҳалаш, ҳамкорлик, ҳамкорлик педагогикаси.

РАЗВИВАТЬ НАВЫКИ ТВОРЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ПОСРЕДСТВОМ ВЕРТИКАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ ТЕХНИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Аннотация. В статье анализируется взаимодействие социально-политических, национально-духовных, психолого-педагогических факторов, влияющих на развитие навыков творческого сотрудничества у студентов высшего технического образования, стремления, вопрошаемости и творческих способностей, склонности к инновациям, способности мыслить логически, аналитически и синтетически, а также теоретической основы для развития высоких профессиональных навыков в высших технических учебных заведениях на основе вертикальной педагогики.

Ключевые слова: техника, высшее образование, студент, техническое образование, интеграция, вертикальная интеграция, дизайн, сотрудничество, педагогика сотрудничества.

DEVELOP CREATIVE COLLABORATION SKILLS THROUGH VERTICAL INTEGRATION OF HIGHER TECHNICAL EDUCATION STUDENTS

Annotation. The article analyzes the interaction of socio-political, national-spiritual, psychological-pedagogical factors influencing the development of creative cooperation skills of students of Higher Technical Education, the aspiration, questionability and creative ability, tendency to innovation, the ability to think logically, analytically and synthetically, and the theoretical basis for the development of high professional skills in higher technical institutions on the basis of vertical pedagogy.

Keywords: technical, higher education, student, technical education, integration, vertical integration, design, cooperation, collaboration pedagogy.

КИРИШ

Ўзбекистон таълим тизими ривожининг hozирги босқичида ҳамкорлик педагогикаси муҳим ўрин тутди. Педагог олимлар ҳам-корлик педагогикасига

«таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотига асосланган шаклда таълим беришга йўналтирилган ижодий фаолият жараёнидир»[1], дея таъриф беришади. Бу мулоқотда таълим берувчи ва таълим олувчи ўзаро масъулият сезади, томонларнинг ҳамкорлиги таълим сифатининг ошишига хизмат қилади. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги педагогик жараёни ташкил этишга оид фаолияти биринчи навбатда талабаларнинг жамоада асосий қадрият сифатида ўзларини намоён қилишларини таъминлашга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш йўллари ва усулларини излашга қаратилиши лозим. Мана шундай ҳамкорлик педагогикаси асосида вертикал интеграциялашган тизимни яратиш ва бу асосида ўзаро ҳамкорликдаги, алоқадорликдаги педагогик жараёни ташкил этиш мумкин бўлади.

Айниқса, олий техник таълимдаги ўзига хос ўқитиш тизими ва таълим хусусияти вертикал интеграциялашган таълимни шакллантиришни талаб этади. Зеро, «биз замонавий билим ва технологияларни эгаллаган авлодни тарбиялашимиз керак. Табиий-техник ва ва ихтисослик фанлари бундай мутахассисларни тайёрлаш учун асосий омил экани ҳам шубҳасиз. Аммо янги авлодни халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислохотларга дахлдорликни, ижтимоий масъулиятни сезадиган, етук инсон қилиб тарбиялаш»[2] устуворлик касб этмоқда. Бунинг учун олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш ва бу орқали уларда ижодкорлик, инновацияларни яратишга тайёрлик, жамоа бўлиб технологик тадқиқотларни олиб боришга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш мумкин бўлади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ғарб мамлакатларида вертикал интеграцияш орқали олий техник таълим муассасаси талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик, психологик ва фалсафий жиҳатлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Хусусан, хорижлик олимлар Ж.Мартин, Х.Бек, Ф.Дессауэр, С.Хокинг, Н.Виг, Ж.Эллюль, М.Хайдеггер, К.Ясперс, Д.Медоузларнинг тадқиқот ишларида мазкур муаммолар таҳлил қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан В.С.Степанов, В.Степин, М.И.Щадов, Ю.А.Чернегов, Н.Ю.Чернегов ва бошқаларнинг асарларида талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий-педагогик жиҳатлари ҳам ёритилган.

Ўзбекистонда ҳам олий техник таълим муассасалари бўлажак мутахассисларида техник билимларни ошириш, инновацион ёндашувлар асосида ўқитиш, ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик асосларини А.Авлакулов, Н.Шермухамедова, О.Файзиев, Э.Усмонов а ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бирок юқорида келтирилган олимларнинг тадқиқот ишларида вертикал интеграциялаш орқали олий техник таълим муассасаси талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг инновацион педагогик асослари махсус ўрганилмаганлиги ҳам мазкур тадқиқот ишининг аҳамиятини оширади.

Олий техник таълим талабаларининг вертикал интеграциялаш орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга эҳтиёжни кучайтирувчи қатор асослар мавжуд. Бу бевосита инсониятнинг техникага нисбатан ижодий ва ҳамкорлик

муносабатни шакллантириш, техникани яратиш ва ундан фойдаланишда юксак инноваторлик позициясида туриш билан боғлиқ бўлган серқирра ва мураккаб жараёнлар. Айнан ижодий ҳамкорлик талаба томонидан техника оламига масъулиятли ёндашувни ва креативликни янги босқичга кўтаради. Натижада техника тўғрисида талабада нафақат билимлар, балки техник кадрлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўзига хос тарзда шакллана бошлайди. Шу билан бирга, техника йўналиши талабаларида яратувчанлик, бунёдкорлик фазилатлари ривожланади, аниқроғи ижодий ҳамкорлик ана шундай сифатларни ривожлантириш учун руҳлантирувчи, илҳомлантирувчи, даъват этувчи восита ролини бажаради. Шунингдек, фанларни ўқитишда вертикал интеграциялаш тизимини амалга ошириш, қуйи босқичларда ўтилган фанлардаги таянч билим ва кўникмалар асосида юқори босқичларда ўтиладиган мутахассислик фанлари интеграция қилиш, бир бирини такомиллаштириш асосида ўқитиш, янгича билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш самара беради.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Олий техника таълим муассасаларида юқори босқич талабалари билан қуйи босқич талабалари ўртасида интеграциялашган ўқитиш, ҳамкорликда ўрганиш, бир бирига ёрдам беришга асосланган таълимни шакллантириш ривожланган давлатлар тажрибасида ўтган методика ҳисобланади. Ривожланган халқаро олий таълим муассасаларида таълим олишда талабани мустақил ўрганишга кўпроқ йўналтириш, уни доимий изланишда бўлишини таъминлаш, аудиторияда пассив маъруза тинглашдан бахс-мунозараларга асосланган таълимни ривожлантириш, шу билан бирга мустақил таълимда талабаларнинг ўзаро ҳамкорликка киришишлари, биргаликда илмий изланишларни олиб боришга йўналтирилган, ўз қизиқшлари доираида жамоа бўлиб илмий фаолиятни йўлга қўйиш имкониятини берадиган таълим технологиясини яратиш юқори самарадорликни намоён қилади. Бу орқали қуйи ва юқори босқич талабаларида қизиқшлари бўйича ҳамкорлик қилиш, бир бирига ёрдам кўрсатиш, қуйи босқич талабаларини қуйи босқич талабаларига ёрдам кўрсатиш, йўналиш бериш, қизиқшларини йўналтиришга қаратилган дарсдан ташқари педагогик жараёни ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода олий техник таълимда вертикал интеграция муҳитини ташкил қилиш ва таълимнинг биринчи йилида вертикал интеграцияни қай даражада самарали бўлиши, қизиқшлар бўйича ўз жамоаси ва илмий тадқиқот йўналишини танлаш учун йўналиш беришга қаратилган таълим модулини ўқитиш самарали бўлади. Бунда талабанинг ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда “Техник таълимда вертикал интеграциялаш асослари” модулини ўқитиш ва мазкур фанга доир билим, дунёқараш, малака ва кўникмаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур фан орқали олий таълим муассасасига янги қабул қилинган талабани қизиқшлари, иқтидори ва салоҳиятига қараб йўналтириш, бун жараёнда юқори босқич талабалри имкониятлари ва салоҳиятидан фойдаланиш назарда тутилади. Яъни биринчи курс талабаларини фан ва соҳаларга қараб қизиқшлари ва иқтидорини аниқлаш мақсадида юқори курс талабалари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, фанларни ўрганишдаги таълимий фаолият ва бошқа турли тадқиқотларга жалб қилиш, таълимнинг биринчи босқичининг илк давридаёқ уларни ўз қизиқиши ва иқтидори бўйича йўналтиришга имконият беради. Муаммо шундаки, биринчи босқичга қабул қилинган

талаба базавий фанларни ўқиш билан бир ўқув йилини ўтказиб юбориши, уни ўз соҳаси ва турдош соҳаларга йўналтириувчи, қизиқтирувчи, иқтидорини намоён қилувчи илмий-педагогик муҳитнинг йўқлиги, уларни одатий таълимга мослашишларини мажбур қилади. Шу боис олий техника таълимида техника ва технологиялар яратиш ва фойдаланишга қратилган таълим муҳитида ўзи қизиқан ва кичик бўлса ҳам ўзгариш қила оладиган мутахасисни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

“Техник таълимда вертикал инеграциялаш асослари” модулини ўқитиш ва таҳлил этиш орқали талабада ижодий техник фаолият, унинг имкониятлари хусусидаги хулосалари кенгайишига ёрдаб беради. Талаба таълимдги ижодий ҳамкорлик асосида ижодкор ва инноваторлик сифатлари ривожланиб боради. Бу орқали қуйи босқич талабаларида вертикал интеграцияни ташкил этиш ва бу орқали юқори босқичда таълим олаётган иқтидорли, ўз изланишларини йўлга қўйган, салоҳиятли талабалар билан маълум бир муддат ҳамкорликда ишлаш, уларга ёрдам бериш ва бу орқали уларнинг ҳам қизиқишини шаакллантириш мақсад қилинади.

Олий техник таълим муассасалари талабаларида вертикал интеграциялашган таълим муҳитида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш ва бу асосида фаол илмий тадқиқотлар олиб бора олдаиган, қизиқшлари ва салоҳиятини эркин намоён қила олдаиган, киришимли кадрларни тарбиялаш ва бу асосда олий техник таълимда ижодий ҳамкорлик муҳитини қарор топтириш, шу билан бирга талабаларида ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш мумкин бўлади. Бунинг учун мазкур модулни ўқитиш технологиясини таснифий белгиларини аниқлаб олиш керак бўлади.

“Техник таълимда вертикал инеграциялаш асослари” модулини ўқитиш технологиясининг таснифий белгилари қуйидагича белгилаб олинди: *қўлланилиши даражаси ва тавсифи*: локал даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология; *фалсафий асоси*: 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик; *методологик ёндашув*: инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув; *ривожланишининг етакчи омиллари*: 1) социоген; 2) психоген; *тажрибани ўзлаштиришининг илмий концепцияси*: асосиатив-рефлексив + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик; *мазмунига кўра*: умумтаълимий; *ижтимоий-педагогик фаолият тури*: таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи; *қўлланиладиган методлари*: 1) диалогли; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) мустақил иш; 4) ижодий ҳамкорлик; 5) ўйин; 6) изланишли-тадқиқотчилик; *ташкилий шакллари*: 1) индивидуал; 2) гуруҳли; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий; *қўлланиладиган воситалари*: 1) манбалар; 2) ҳужжатли фильмлар; 3) илмий адабиётлар; 4) мультимедиа; *талабанинг илмий фаолиятига ижодий ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи*: шахсга йўналтирилган; *модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимга муносабати*: ижтимоий-тарбиявий функцияни кучайтириш асосидаги педагогик технология; *қўлланилиш тоифаси*: олий таълим муассасалари талабалари учун.

Вертикал интеграция асосида талабаларга ёндашиш уларда ижодий ҳамкорликни ривожлантиришга таъсир кўрсатиши керак. Демак, тадқиқот ишининг бош мақсади олий техник таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш ва унга йўналтирилган педагогик жараён технологиясини аниқ ва

тезкорликда амалга ошириладиган тизимга келтиришдан иборат. Бунинг учун эса, технологияни ижтимоий ва педагогик талабларидан келиб чиққан ҳолда мақсадга йўналтирувчи жиҳатларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Технологиянинг мақсадга йўналганлик жиҳатлари: *жамият тараққиёти билан боғлиқликда технологиянинг мақсадга йўналтирилганлиги қўйидагиларда ёрқин намоён бўлади: олий техник таълим муассасалари талабаларида илмий-ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш орқали уларда бидрамлик кўникмаларини шакллантириш*, амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини чуқурроқ англай олиш; масъулият, кишилиқ жамияти тақдирига тақдирдошлиқ, масъуллик туйғусини таркиб топтириш; мантиқий мушоҳада юритиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш;

индивидуал ёндашув нуқтаи назаридан эса: талабаларда иждодий ҳамкорлик кўникмаларини асосида илмий фаолият муҳитини ҳосил қилиш; иждодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини намоён этишига ёрдамлашиш; унга ўз муносабатини билдира олишга йўналтириш ва эркин фикр юритиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш. Демак, технологиянинг мақсадга йўналтирилган жиҳатлари асосида талабаларда ижтимоий масъулиятни ривожлантириш ва индивидуал сифатларни мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Шунингдек, ҳар бир фан соҳасидаги илмий тадқиқот ишининг умумий мақсади бўлган ижтимоий наф ва фан ривожига ҳисса қўшиш мақсади ҳам мавжуд.

Шу билан бирга олий техник таълим муассасалари талабаларида вертикал интеграция асосида иждодий ҳамкорлик ғоясини ва ишлаб чиқишга қаратилган таълим тамойилларини ҳам аниқлаб олиш керак. Бунинг учун мазкур технологиянинг диологик, ўзаро мослик ва креативлий тамойилларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Диалоглик тамойили. Иждодий ҳамкорлик талабалар жамоасининг ўзаро биргаликда ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, улар томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият кўринишида уларни ягона маконга бирлаштиради;

Ўзаро мослик тамойили. Иждодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг турли шакл, метод ва воситаларининг инсонпарварликка, юксак креативликка йўналганлиги шароитида зарурий ва муҳим фазилат сифатида воқеликнинг моҳиятини ва ўзаро бир-бирини тушуниш муҳим ўрин тутди;

Креативлик тамойили. Мазкур тамойил иждодий ҳамкорликни ривожлантириш жараёнида иждодий ёндашувга асосланиш зарурлиги ҳамда талабаларнинг иждодий ўз-ўзини намоён этишлари учун шароит яратишга имкон берувчи шакл, метод ва воситалардан фойдаланишни талаб этади.

Мазкур тамойиллар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, олий техник таълим муассасалари талабаларида иждодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш технологиясини амалга ошириш ва самрадорликка эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун эса, ушбу таълим тамойилларидан ўз ўрнида ва аниқ вазиятларда фойдаланиш талаба этилади.

МУҲОКАМА

Талабаларда иждодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда рефлексив ёндашувдан ҳам оқилона фойдаланиш зарур. Унга кўра олий техника таълим

муассасалари талабаларида вертикал интеграция муносабатини яратиш ва бу орқали рефлексия ҳамкорлик амалиётини юзага келтириш мумкин бўлади. Бу орқали талабаларда ижодий ҳамкорликка рефлексив ёндашув юзага келади. Олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш технологияси рефлексив ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олди: аналитик – техника йўналиши талабаларида вертикал интеграциялашган таълим асосида ижодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир билим, малака ва кўникмларини ошириш ва уларни баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш, педагогик жараён шакл, метод ва воситаларини танлаш, профессор-ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш; фаолиятга доир – олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш технологиясини босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг – олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда педагогик жараёнга тузатишлар киритиш; натижавий – натижаларни баҳолаш ва таълимий-тарбиявий ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш. Бу орқали талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш динамикаси, унга таъсир кўрсатувчи омилар ҳам ўрганилади.

Натижада талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг изчил ва тизимли технологиясини ишлаб чиқиш икоони юзага келади.

Олий техник таълим муассасалари талабаларида вертикал интеграция асосида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш технологияси мазмунли-процессуал ва ташкилий-педагогик қисмларда ташкил топган.

Технологиянинг мазмуни ўзида когнитив – амалий фаолият – рефлексия бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи ижодий ҳамкорликни ривожлантириш даражалари (англаш, тушуниш, муносабат ва фикрлаш)ни акс эттиради. Демак, талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмалари уларда илмий билишга, амалий фаолиятга ва рефлексияга асосланган фаолиятга таяниши келиб чиқади.

Олий техника таълим муассасаларида вертикал интеграциялашган таълим асосида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш асосларини алоҳида фан сифатида ўқитилмаслигини ҳисобга олган ҳолда, тўғарак машғулотларида фойдаланиш учун 1-4 курсларга мўлжалланган “Техник таълимда вертикал интеграциялаш асослари” модулли курс дастури таквим-мавзу режаси ишлаб чиқилди. Мазкур таквим-режада ижодий вертикал интеграция таълимнинг самрадорлиги, уни йўлга қўйиш шартлари ва педагогик талабалари ва бошқа жиҳатларга доир мавзулар киритилган. Шунингдек, талабаларда ижодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган топшириқлар ва муаммоли вазияларни ҳосил қилиш йўллари ишлаб чиқилган. Таквим-режа мавзуларини кетма-кетликда ўтилиши талабаларда ижодий ҳамкорликка вертикал интеграция асосида ривожлантириш имконияти ва лаёқати юзага келади.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, олий техник таълим муассасалари талабаларида вертикал интеграция асосида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган

таълим технологиясининг мазмунли-процессуал ва ташкилий-педагогик қисмларини тўғри ташкил этиш ва олиб бориш юқори самара бериши келиб чиқди.

1. Вертикал интеграциялаш орқали ташкил этилган педагогик жараёнда тизимли-жараёнли ёндашув, аксиологик ва рефлексив ёндашув, шахсий-фаолиятга йўналтирилган ёндашувни комплекс қўллаш ва уйғунликда олиб бориш керак бўлади. Бу орқали олий техник таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда энг кичик жиҳатларгача эътибор қаратиш имконини беради.

2. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмлари лойиҳаларни ҳамкорликда яратиш ва унинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Олий техник таълимда лойиҳалашга доир илмий топшириқларни бериш ва мустақил таълимда лойиҳалашдан фойдаланиш самарали бўлди. Чунки лойиҳалаш ҳамкорликдагина самара беради ва талабаларга уни бажаришда ижодий ёндашувни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х. Педагогика назарияси фанидан изоҳли луғат. - Тошкент.: «Фан», 2008. –Б.182.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.:Ўзбекистон. 2021. –Б. 232
3. Авлакулов А.М. Техноген цивилизация ва таълим-тарбия жараёнлари. -Тошкент.: 2016. –Б. 12.
4. Ибрагимов С. Таълим оловчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришнинг аҳамияти. // Academic research in educational sciences. VOLUME 1. ISSUE 4. 2020. –P. 408.
5. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
6. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
7. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
8. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
9. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
10. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
11. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).

12. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
13. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
14. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83
15. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
16. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).